



Чоршанба

Маҳалла

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

- 2 ▶ Ёш паҳлавонлар бел олишди
- 3 ▶ Бири жарроху, бири жосус ...роботлар
- 4 ▶ Ақли киргунича бошига тош теғди-ку!
- ▶ Миссионерларга маҳаллада ўрин йўқ!
- ▶ Янгигурмушда яна қандай янгиликлар?..
- ▶ «Қиш сонатаси»ни куйлаётган қиз

Қашқадарё вилояти МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТ- ЧИЛАРИ ЎҚУВИ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, дунёқарашини юксалтириш мақсадида кенг қўлланма чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига чуқурроқ тушунириш мақсадида Қашқадарё вилоятида ҳам бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Турли учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Қарши давлат университетиде фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув курси ташкил этилди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Конституция ва Президент асарларини ўрганиш, «Дин, ахлоқ ва одоб асослари», «Оила психологияси», «Педагогик тарбия», «Маънавий-маърифий ишлар асослари», «Миллий гоя раҳбар фаолиятида» сингари мазкур бўйича машғулотлар ўтказилмоқда.

Ўқув машғулотларини Қарши давлат университетининг профессор ўқитувчилари олиб бораётир. Унда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида жиноятчилик ва бошқа иллатларнинг олдини олиш, ёшлар тарбиясига бўлган эътиборни янада кучайтириш, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Давлатимизга минг раҳмат, ёшларимиз учун ҳамма шароит муҳай...

2008 йил — Ёшлар йили

САНЪАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИ ЁШЛАРИМИЗ ИҚТИДОРИ БЕЛГИЛАЙДИ

бу иқтидорни намоён этиш ва камол топтириш учун шароитлар муҳайё



Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши мамлакатимизда санъатни янада ривожлантиришда янги истиқболларни очди, албатта.

Айни кунда юртимизда фаолият юритаётган юзлаб мусиқа мактабларида минглаб иқтидорли ёшларимиз таълим-тарбия олмоқда. Улар келажда аънавий миллий мусиқамиз шухратини оламга ёйишга қодир инсонлар бўлиб камол топишига ишончимиз комил.

СУРАТДА: Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида жойлашган мусиқа мактабиде ташкил этилган хор жамоаси иштирокчилари.

ҒАМҲЎРЛИККА МУНОСИБ ЖАВОБ

ёшларимизнинг самарали ташаббусларида намоён бўлмоқда

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2008 йили Ёшлар йили деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи, айниқса, биз ёшларга чексиз қувонч бағишлади.

Сир эмас, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари барча жабҳаларда ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Демакки, кириб келган жорий йилнинг Ёшлар йили деб номланиши бежиз эмас. Бу «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари олдида ҳам улкан вазифаларни қўяди. Ёшларимиз буни чуқур англаган ҳолда Ёшлар ташкил этади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгаши-

нинг жойларда тўқсонга яқин бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти маҳаллалар қошида ташкил этилган. Қирқдан зиёд фермер хўжалиги, 13 та ташкилот ва муассасанинг раҳбар ва ходимлари ҳам ёшлар. Бундан ташқари, халқ таълими, тиббиёт, маданият ва спорт ишлари, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам ёшларнинг мавқеи тобора юксалиб бормоқда. Уларнинг ташаббуси билан туманимиз марказида қуриб ишга туширилган «Ёшлар маркази» бугунги кунда йирик маданий-маърифий марказга айланган.

Айни пайтда туманимизда ҳам Юртбошимиз маърузаси ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳаракатнинг бошланғич ташкилот-

лари томонидан кенг ўрганилиб, муҳокама қилинмоқда. Бундай тадбирларда ёшларимиз янги таклиф ва ташаббуслар билан чиқишмоқда. Албатта, бу каби таклиф ва мулоҳазалар «Ёшлар йили» Давлат дастурини ишлаб чиқишда муайян асос бўлиб хизмат қилади. Ёшларнинг тумандаги ирригация ва мелиорация соҳасидаги муаммоларни ечишда фаол иштирок этиш маъсулиятини ўз зиммаларига олганлари уларнинг шижоатидан дарак беради. Ҳозир бу борада жиддий изланиш ва саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Ерларнинг шўрланиш даражасини аниқлаш бўйича соҳа мутахассисларидан тузилган ишчи гуруҳ таркибиде ҳам ёшлар кўпчиликини ташкил этади.

Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан бўлишимиз томонидан қатор ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини қайта қуриб чиқиш ва тизим ишини тубдан ислоҳ қилиш шулар жумласидандир. Ишлаб чиқиладиган йил дастури ижросини таъминлашда эса «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамда хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда иш олиб бориш кўзда тутилган.

Жасур ҚУРБОНОВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Арнасой тумани бўлими кенгаши раиси.

Жиззах вилояти

Спорт

Дунёнинг энг кучли теннисчилари «Катта дубулга» туркумига кирувчи нуфузли тўрт теннис турниридан дастлабкиси — Австралия очiq чемпионатида голиблик учун куч синашмоқда.

ИСТОМИН КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

2007 йили Тошкент теннис марказида ўтказилган Осиё чемпионатининг голиби сифатида Австралия очiq чемпионати асосий тур беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳамюртимиз Денис Истомин мусобақани муваффақиятли бошлади.

У биринчи босқичда словакиялик Лукас Лакога қарши кортга чиқиб, биринчи сетни 6:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган бўлса-да, кейингисиде 6:7 ҳисобида имкониятни бой берди.

Бироқ кейинги икки сетда бор маҳоратини намойиш қилган ўзбекистонлик ракетка устаси 7:6, 6:1 ҳисобида зафар кучиб, навбатдаги босқичга ўтди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒОЛИБЛИК УЧУН КУРАШАДИ

Ҳиндистонда Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) томонидан ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилаётган халқаро теннис турнирида дунёнинг ундан зиёд мамлакатидан келган спортчилар голиблик учун куч синашмоқда.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Дарья Туаева мусобақани саралаш босқичидан бошлади. Иқтидорли теннисчиби биринчи учрашувда мезбонлар вакили Иктеш Чахалга қарши кортга чиқиб, рақибасини 6-2, 7-6 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Асосий тур беллашувларида бериладиган йўлланма учун ўтказилган иккинчи баҳсда эса Дарья Туаевага яна бир ҳиндистонлик теннисчи Сушма Гутта рўбарў келди. Бу учрашувни ҳам ҳамюртимиз 7:5, 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Энди Дарья Туаева асосий турнинг биринчи босқичида ҳиндистонлик Шармада Балу билан куч синашади. Яна бир теннисчимиз Вера Твердиқова эса беларуслик Мария Мелюкка қарши кортга чиқади.

Зоҳир ТОШЎҲЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

“МЕҲРИБОНЛИК” МЕҲР УЛАШАДИ

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан жамоат ташкилотларининг энг яхши ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари учун эълон қилинган танлов голибларига сертификатлар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқаруви раиси Н.Жабилуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш, жамиятимизни модернизация қилиш ва демократлаштиришда жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти катта эканини таъкидладилар.

Юртимизда фуқаролик жамиятининг асосий бўғини бўлиш нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Мамлакатимизда қарийб беш мингга жамоат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари учун бешинчи марта ўтказилаётган мазкур танловда жамоат ташкилотларининг фуқароларни ўзини ўзи бошқарув органлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, экология, гендер тенглиги, ҳуқуқий таълим, воғна етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг алоҳида ёрдамга муҳтож қатламлари, жисмоний имконияти чекланган кишилар, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашга оид лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. Танлов голибларини аниқлашда юртимизнинг барча ҳудудларидаги жамоат ташкилотлари камраб олинди.

Тақдим этилган еттидан ортиқ лойиҳа ичиде энг яхши деб топилган йигирма иккитаси грант голиби бўлди. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари, Янгийўл шаҳар ногиронлар жамиятлари, Қизрай туманидаги тиббий кўмакка муҳтож хотин-қизларнинг «Опа-сингиллар» жамияти, «Келажак нури», «Нодира», «Юксак парвоз» каби нодавлат нотижорат ташкилотлари, Бухородаги «Мадад» оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари шулар жумласидандир.

— Танловда голиб чиққан лойиҳамиз Янгийўл шаҳрида ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар, жумладан, болалар, кексалар учун турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган «Меҳрибонлик» клубини ташкил этишга қаратилган, — дейди Янгийўл шаҳар ногиронлар жамияти раҳбари Борис Ивушкин. — Клуб кўнгли ярим кишиларга энг аввало руҳий-маънавий кўмак кўрсатиш, далда беришни ўз олдида мақсад қилиб қўйган.

Назokat УСМОИОВА,
ЎЗА мухбири.

Бухоро вилояти

Саховатпешаларданмиз

“ЯНГИ ЙИЛНИ ЯНГИ УЙДА ҚАРШИЛАДИК”

— дейди бир гуруҳ қоравулбозорлик нефтчилар

Қоравулбозор туманида жойлашган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводиде меҳнат қилаётган бир гуруҳ ишчи-ходимларнинг қувончи чексиз. Уларга Янги йил байрами муносабати билан барча қўлайликларга эга бўлган янги кotteжларнинг қалитлари топширилди.

Шу муносабат билан ҳудудде истиқомат қилаётган кўни-кўшинлар, нефтчилар, завод раҳбарияти байрам дастурхони атрофида йиғилиб, янги тоширилган 35 та хонадоннинг ҳовли тўйларини ўтказишди.

— Корхонамиз олдида қўйилган режа ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишида астойдил ҳаракат қилаётган ишчи-ходимларимизга, айниқса, ёшларга ҳар томонлама қўлайликлар яратиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш доимо диққат марказимизда, — дейди завод директори ўринбосари Уктам Ягмуров. — Ўтган йилнинг ўзида жамоамиз аъзолари учун барча шарт-шароитларга эга 71 та кotteж қуриб берилди.

Дарҳақиқат, ҳар бирининг қиймати 8 миллион сўмга тенг, лишиқ ғиштдан бир ва икки қаватли қилиб қурилган, 5 ҳамда 6 хонадан иборат ўшбу алоҳида ҳовлилар иссиқ ва совуқ суви, канализация, табиий газ билан таъминланган, телефон, ёғи ва қишки ошхона мавжуд ҳамда бошқа бир қатор қўлайликлар яратилган. Янги хонадонларнинг томоқрасига ариқдан суви келади. Йўл ва йўлақлар асфальтланган.

Хамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Mahalla Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Ўзбекистон Республикаси www.mahalla.uz

матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган. E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссасдорлик жамияти

«Я» — белгисиз остида реклама-тижорат мақолалари берилди.

Муассасалар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган гаври учун обуна гавом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун кайеурган афзал.

2008 йил — Ёшлар йили

ЁШ АВЛОД МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

Матбуотда Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни эълон қилинди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонун мамлакатимизда бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларга кўрсатилаётган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раисининг ўринбосари Иззатулло ТОЛИБОВ ЎЗА мухбирига бу ҳақда қуйдагиларни сўзлаб берди:

— “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун катта ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий аҳамиятга молик ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, юртимизда келажагимиз, орау-умидимиз бўлмиш баркамол авлодни камол топтиришга ҳизмат қилади, — дейди И.Толбоб. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу қонун Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2007 йилнинг 1 декабрида маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шу йилнинг 7 январидан имзоланган мазкур қонуннинг Ёшлар йилида амалга киритилишида ўзига ҳо маъно бора. Қонун мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодга кўрсатилаётган доимий эътиборни янада кучайтиришни назарда тутиб ҳолда бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишининг таъминлинишни мутлақо янги босқичга кўтариш учун қулай имконият яратди. У бола ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлашга доир халқаро талаб ва андозаларга тўла мосдир.

Ушбу қонуннинг мақсади бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатларда, шунингдек, БМТнинг Бола ҳуқуқлари кўмитаси тавсияларида белгиланган

халқаро андозалар билан уйғунлаштириш, боланинг асосий ҳуқуқларини таъминлаш кафолати ва ҳимоясини белгилловчи ягона қонунчилик воситасини шакллантириш, болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатларини янада кучайтириш қонуннинг асосий вазифаларидандир.

Мазкур қонунда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг асосий ва қўшимча кафолатлари янада мустаҳкамланган.

Қонунда бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари ваколатлари аниқ белгиланган. Чунки республика органлари асосан давлатнинг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий ҳақда ижтимоий-иқтисодий асоси ва стратегиясини шакллантиради, маҳаллий органлар эса уларни бевосита жойларда таътиб қилади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур қонунни тайёрлашда мамлакатимиздаги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, давлат қўмиталари ва ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг масъул ходимлари, таниқли олимлар ва мутахассислар фаол иштирок этдилар.

Олдимизда турган энг эзгу мақсадимиз — мамлакатимизнинг буюк келахақи ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаёти-миз ҳам, Ўзбекистоннинг йигирма биринчи асрда жохон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваломбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Бунда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилади.

ЎЗА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ ёзиб олди.


Андижон вилояти Саховатпе-шаларданмиз ТҮЙ БОШИДА КОРХОНА

ЯКИНДА вилоятнинг бир қатор туман ва шаҳарларини ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминловчи Гуручмозор нефть маҳсулотлари унитар корхонасида бир неча йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган уч нафар ёш ходимнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Ёш келин-кувларга корхона маъмурияти томонидан энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

— Корхонамиз жамоасида фаолият юритаётган ёшлар доимо эътибори-мизда, — дейди корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси Фотимахон Раҳмонқулова. — Чунки ёшлар эртамиз давомчилари ҳисобланади. Шу боис корхона маъмурияти билан жамоа шартномасини тузишда доимо ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратамиз. Бундан ташқари, корхонамизда меҳнат қилаётган Ядвек Буваҳужаев оиласига бир бош қорамол олиб берилди. Корхонада хотин-қизлар ҳам кўпчиликини ташкил қилади. Улардан икки нафари ишлаб чиқаришдаги ютуқлари учун маъмуриятнинг бепул йўлан-маси билан юртимизнинг тарихий қадимжоларини зиёрат қилиб қайтишди.

Корхона мутасаддилари бундай хайри ишларни амалга оширишда фақатгина корхона меҳнат жамоаси билан чегаралиниб қолмагани йўқ. Хусусан, Янги йил байрами муносабати билан Кўрғонтепа туманидаги “Мурувбат уйи”да тарбияланаётган ногирон болаларга, шунингдек, Охун-бобоев шаҳрининг Янги чек ва Ураштепа маҳал-лаларидаги серфарзанд оилалар фарзандларига совғалар улашилди.

Узоқбой САКСОНБЕКОВ, “Mahalla” мухбири.



Хоразм вилояти

Вилоятда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, зamon талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, касб-хунар ўрганиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун етарли шарт-шароит яратилмоқда.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Урганч шаҳар кенгаши ўқувчиларнинг бўш вақтини янада мароқли ўтказиш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Кенгаш ҳоҳишида очилган Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази доимо ўқувчилар билан тавжум. Улар марказдаги тикувчилик, қандолатчилик, элита пардаларини тикиш ҳамда компьютер саводхонлиги тўғрисида сабоқ олмақда.

— Келажақда моҳир пазанда бўлиш ниятим бор, — дейди Дилноза Аҳмедова. — Шу боис, қандолатчилик тўғрисида катнамоқман. Қиз бола учун пазандалик ҳар доим керак. Бу ерда торлар, турли пиширликлар тайёрлашни ўрганилган. Биз ёшлар учун яратилган бундай қулайликлардан бениҳоя мамнунмиз.

— Утган йили бу тўғралакларни 500 дан зиёд йигит-қиз би-тириб чиқди, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Урганч шаҳар кенгашининг раиси Бехзод Раҳмонов. — Бундан ташқари шаҳар маҳаллаларида истикомат қилувчи ёшлар ўрта-сида футбол, шахмат-шашка бўйича мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан турли спорт мусобақалари, кўнгличорлар, маънавий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎЗА мухбири.

Фарғона вилояти Оқсоқол эътирофи

Маҳалла — ДЕМОКРАТИЯ ДАРСХОНАСИ

...Юртбошимизнинг “Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар маҳалла муҳитида камол топади. Шу маънода маҳалла ўзини ўзи бошқариш мактаби, демократия дарсхонаси деб аташ мумкин” деган пурмаъно сўзлари ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари одим-лаётган мамлакатимизда маҳалла тизими жамиятнинг муҳим бўғинига, фуқаролар йиғинлари эса том маънода ўзини ўзи бошқариш органига айланди.

Фуқароларимизнинг турмушини фаровонлаштиришга қаратилган ишловлар доирасида кўплаб хайри тадбирларни амалга ошириш, бу тадбирларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда айнан маҳалла тизими жуда самарали ва қулай восита экани айниқса, ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида яққол намойён бўлди. Биргина мисол, Юртбошимизнинг “Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини оилалик: атиги уч оғоз ўттиз хонадон мавжуд маҳалламизда саховатпеша инсонлар ҳомий-лигида 11 та кам таъминланган, серфарзанд оилага бир бошдан қорамол берилди. Рўзғорига барака дориган хонадон соҳиблари, болаларнинг қувончини кўрсангиз эди! Лекин гап фақат моддий қўллаб-қувватлашда эмас. Бу тадбирлар замирида халқимизга хос бўлган одамгарчилик, ўзаро меҳр-оқибат фазилатлари муҳасамаллигига ҳеч қимга сир эмас.

Фуқаролар йиғинларининг ваколатларини ва молиявий имкониятларини кенгайтириш борасида аввало Президентимиз, қолаверса, маҳаллий ҳокимликлар томонидан бир қатор амалий тадбирлар қўллаб-қувватлади, бу ўз ўрнида ҳар бир фуқаролар йиғинининг нуфузи ошиши, фуқароларнинг қатор муаммоларини ижобий ҳал этишига қўл келмоқда.

Қўқондаги ҳар битта маҳалла йиғини идораси компьютер жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, бу йилги иш-ни юртида кўнгина қулайликларни тугдиради. Масалан, фуқаролар коммунал тўловларни амалга ошириш учун марказга қатнаб, овора бўлмайдилар, маҳалланинг ўзида бундай имконият бор. Энг муҳими, коммунал тўловлар ўз вақтида адо этилган, коммунал хизмат кўрсатувчи идоралардан тезкор ва сифатли хизмат кўрсатилишини талаб қилиш-га ҳам ҳақли бўламиз.

Бугунги кунда маҳалла кучли жамиятнинг бир бўғинига айланиб, жамоатчилик назоратини ҳам амалга оширмоқда. Маҳалла фаолларининг жамоатчилик назорати тартиб-қоидалари асосида ҳудуддаги дўконларда тарозиларнинг тўғрилигини, савдо-сотик ишларининг касса аппарати орқали амалга оширилишини, кундалик эҳтиёж учун зарур истеъмол молларининг танқис бўлмағлигини, нафақаларнинг ўз вақтида ажратилиши ва тарқатилишини назорат қилиши айрим муаммоларнинг олдини олмақда.

Аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ҳам фуқаролар йиғинларининг ўрни ва ҳизмати катта. Жумладан, маҳалламизда ҳам турли мавзуддаги маърифий-маданий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинади. 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йил-лигига бағишлаб ўтказилган “Энг зиёли маҳалла оқсоқо-ли” республика кўрик-танловида ғолиб бўлганимиз ана шу саяё-ҳаракатларнинг натижаси бўлди.

Юртбошимизнинг мамлакатимизда ҳар бир янги йилни ўзига хос номлар билан аташ ташаббуси айниқса, маҳалла тизимини ривожлантиришда қўл келмоқда, десам мубо-лага бўлмас. Шу ўринда маҳалламиз ҳаётидан яна бир мисол: маълумки, 2003 йил юртимизда “Обод маҳалла йили” деб номланганди. Уша йили йилнингизда ободон-чилик, кўзалмазорлаштириш ишларига катта эътибор қар-тилди ва маҳалламиз атроф-муҳит мусафоллигини таъмин-лаш ишига қўшган ҳиссаси учун республика миқёсида ўтган “Экофестивал”да ғолиб деб топилди, 1 миллион сўм пул мукофотиغا сазовор бўлди. Бу маблағни ободонлаштириш ишига сарфладик. Қўрнини турибдики, йилларнинг алоҳи-да номланиши кўплаб хайри ишларга туртки берапти, фаолиятимизда дастуриламал бўляпти. Энг асосийси, ки-шиларида эртанги кунга ишонч тобора ортб бормоқда.

Конституциямиз қанбали қилинганнинг 15 йиллигига ба-ғишлаб ўтказилган тантанали йиллигида 2008 йил юр-тимизда Юртбошимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган эди. Жорий 2008 йилнинг номланиши мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган тадбирлар, ҳосияти ва хай-ри ишлар барчамизга катта масъулият юклатиши билан бир-га ёшларимизга, шунингдек, улар орқали барчамизга кат-тадан катта манфаатлар келтиришига ишонаман.

Ҳақимжон УМАРОВ, Кўқон шаҳридаги Акмал Икромов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Эҳтиёт бўлинг: диний ову!

Замонавий жамият диний экстре-мизм ва мурасизликнинг хавфли кўринишларига бот-бот рўбарў келмоқ-да. Парда ортидаги “қўғирчоқлар” эҳтиёткорлик билан, сездиқмайгина одамларнинг маънавий оламини иш-ғол этиб, пайтини пойлаб уларда та-жовузкорлик ва ўзравонлик кайфияти-ни уйғотишга интилади.

Яқинда Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан “Благодать” (“Худонинг марҳамати”) деган жан-род ном остида иш олиб борган жам-иятнинг мунофиқона фаолиятига нукта қўйилди. Энг даҳшатлиси, ушбу сохта дин пешволарининг фарзандларимиз онгини захарлашга урингандир.

“ҚҮЙ ОҒЗИДАН ЧҮП ОЛМАГАНЛАР”МИ?

“Благодать” Тошкент евангел хайрия жамияти (ТЕЖХ) Ўзбекистон заминидан илк бор 1992 йилда ташкил этилиб, Республика Адлия вазирлигида “Благодать” Евангел насроний пресвитериян мар-кази сифатида рўйхатдан ўтган эди. Ушунданг АҚШ-нинг Лос-Анжелес шаҳрида жойлашган “Благо-дать”нинг бош миссионерлик марказидаги “до-хий”лар узокчи қўлабган ғаламис мақсадларини режалаштириб қўйишган бўлса, ажабмас. Ахир Тошкентдаги марказдан ташқари, Европа, Жану-бий ва Шимолий Америка, Африка ва Осиё қитъа-сидаги қатор давлатларда ҳам худди шундай фи-лиаллар анчайин муваффақиятли фаолият юри-таётган эди-да. Уша йиллари аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатда насронийлик гоиларини очикдан очик ва фаол тар-ғиб қилиш жиддий қаршиллик ва эътирозларни келтириб чиқариши мумкин эди, албатта. Демок-ратик жамият қуриш, миллатни оқсаттириш, маъ-навий тарқатқий эътириш йўлини танлаган мамла-катда турли диний оқимлар ва конфессияларга дегирли халал берилмаслигини англаб етган мис-сионерлар (диний тарғибчилар) жуда эҳтиёткор-лик билан иш бошладилар, дастлаб бир қадар камтарин ва осуда фаолият юртишди.

ТЕЖХ яш бошлаган илк даврларда асосий уруғ Тошкентдаги корейс жамоаси (диапопси-на)га берилди. Чунки маҳаллий корейсларда океан ортидаги хомийлар томонидан мольнашати-рилаётган гоиларини қабул қилишга мойиллик кучли эди. Протестантлар черковларидаги ҳаша-мат, олис хоржида ўқш учун грантлар ажрати-лиши ва иш топшида ёрдам кўрсатилиши кўплаб ёшларнинг миссионерлар тўрига илпинишига са-баб бўлар эди. Марказ томонидан шифохона-ларда, қарийлар уйларида, жазони ўташ муасса-саларида диний маросимлар ва турли хомийлик

“БЛАГОДАТЬ” КИМНИНГ ОНГИНИ ЗАҲАРЛАМОҚЧИ ЭДИ?

тадбирлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиши “Благодать”нинг доруғи ортиб бо-ришини таъминлади. Кисса фурсатда ТЕЖХ ўз тарафдорлари ва маросимларидаги қатнашчилар сонига кўра янги пайдо бўлган диний конфес-сиялар орасида энг йирикларидан бирига ай-ланди. Аҳоли турмушида учраб турган вақтинча-лик иқтисодий қийинчилик ва муаммолардан ҳам миссионерлар ўз сафларини кенгайтиришда ус-тамонлик билан фойдаланишди.

КИНОМИСАН, КИНО!

Океан ортидаги моҳир ташвиқотчилар томо-нидан устамонлик билан ташвиқот этилган “Бла-годать” ТЕЖХ тез орада, анкироғи, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг янги тахрири қабул қилиниши муносабати билан қайта рўйхатдан ўтади. Кейинги йил апрель ойида эса “Благодать”чилар пайтахтидаги Жарқўрғон кўча-си 4-ўйда жойлашган Ҳамза номли кинотеатр би-носини сотиб олишга ва ҳусусийлаштиришга му-ваффақ бўлишди. Хусусийлаштириш жараёнида “Ўзбекино” миллий агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари томонидан меърий ҳуж-жатларнинг бир қанча талаблари бўзилди. Бир-инчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июлдаги 247-сонли Фармойиши ҳамда унинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими томонидан им-золанган қарорда пойтахтда жойлашган кинотеатр-лар уларнинг Низом жамағарасида 35 фойз дав-лат улushiни саклаб қолган ҳолда ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиши қўзда тутилган эди. Иккинчидан, мазкур фармойишнинг 8-бандида ки-нотеатрларнинг асосий фаолият йўналиши саклаб қилиниши шарт қилиб қўйилган бўлса-да, Ҳамза номли кинотеатр бандий фильмлар намойиш эти-лидиган маскандан протестант черкови ибодат ма-росимларини ўтказадиган жойга айлантирилди. Учинчидан, амалда бир ойлик муддат берилиши-га қарамай, кинотеатрнинг сотиш билан боғлиқ сав-долар “Правда Востока” газетасининг 1999 йил 15 апрелдаги сониди эълон чиққан кундан бо-рйи 15 кун кейин ўтказилди. Бу каби қонунбу-зарликларга қўра-била туриб қўз юмиб, ноқону-ний савдо-сотикни амалга оширган уша пайтдаги амалдорларга ҳам, шаҳарликларга яхши маълум бўлган маданият масканини ўзлари учун тарғибот қўноғига айлантиришни қўлабган миссионерларга ҳам ушбу савдо манфаатли бўлганлиги кўриниб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик судининг 2007 йил 21 сентябрдаги қарорига асосан адолат қарор тоғди: Ҳамза номли кинотеатрни сотиш би-

лан боғлиқ олди-сотди шартномаси ноқонуний деб топилди, Тошкент муниципал биржа марказида 465750 сўм давлат божни ундириб олинди. Ушбу иш юзасидан олиб борилган очик суд мажлисида жавобгар сифатида иштирок этган-ларнинг тугган позицияси кишини таажубга солади. Асосий қонунбузарлардан ва жавобгар-лардан бири ҳисобланган Тошкент шаҳар ҳоким-лиги суддан ишни ўзининг вакили иштирокисиз кўриб чиқисини сўради. Бу ўринда изоҳнинг ҳожа-ти бўлмаса керак.

“Ўзбекино” миллий агентлиги вакили эса жавобгарлар сафига “Ўзбекино”нинг қўшилиб қолиши хато эканлигини таъкидлаш билан бир-га, агентлик томонидан шаҳар ҳокимияти билан биргаликда ўтказилган текширувлар чоғида ҳис-садорлик жамиятларига айлантирилган бир неча кинотеатр, жумладан, Ҳамза номли кинотеатр ҳам ўз фаолият йўналишини ўзгартиргани маълум бўлганини тан олди. Мана сизга кино: икки томон ўзаро тил бириктириб давлатга қарашли маданият-маънавият масканини ғаламис ниятли ки-мисалларга сотиб юборди-да, пировардида “Бизнинг зигирчаём айбимиз йўқ”, деб тониб ҳам туравердишди. Пира эвазига халқ маънави-ятига зарар етказилишига йўл очиб берган ви-ждонсиз амалдорларга нисбатан кескин маъму-рий қоралар қуриш лозимиға ўшаб тўлолади.

“Благодать” ТЕЖХ вакиллари турган гапки, ўзларини мутлақо айбисз деб ҳисоблашди, дав-логарнинг талабларини тан олишмади ҳамда ҳўжалик судининг қарори юзасидан юқори инстан-цияга шикоят қилишларини таъкидлашди.

“ХАЛҚ УЧУН ОҒУ”НИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Агар Ингоном Юнусов номли маҳалла оқсо-қоллари ҳокимият органлари ва ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этиб, ёшларнинг онгини захарлаш билан шуғулланаётган миссионерлар-нинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилишини та-лаб этишмаганида, ким билсин, бу хол яна қанда-навом этарди? Ҳамма тан шундаки, “Благодать”-нинг шиддат билан ишлаб турган тарғибот ма-шинаси энди корейс ва рус миллатига мансуб фуқаролар ўртасида иш олиб бориш билангина чекланмай, ўзбек, қозоқ, татар миллатига ман-суб ёшлар ва бошқа миллат вакиллари орасида ҳам кириб бора бошлаган эди. Айнан шу пайтга келиб ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини оқсо-қоллари, фаолларининг сабр қосаи тўғди ва улар ҳудудда тартиб ўрнатилишини талаб қилишди. Утказилган текширувлар чоғида “Благодать” фаолиятида молиявий, санитария ва ёнғин хавф-

сизлигига оид кўплаб қоидабузарликлар аниқлан-ди. Устига-устак, “Благодать” ТЕЖХнинг Тошкент шаҳри Мировод туманидаги Пирмухамедов кўча-си 47-ўйда жойлашган марказий офисида катта миқдорда дори-дармон воситалари ноқонуний сак-ланаётгани ҳам маълум бўлди. Умумий қиймати 1,5 миллион сўмга тенг бўлган ушбу дори-дар-монлар АҚШда ишлаб чиқарилган бўлиб, мамла-катимизга солиқ ва божнона қонунчилиги талаб-ларини қўпол равишда бузган ҳолда олиб қирил-ган экан. Суд-экспертиза Маркази томонидан маз-кур дори воситалари текширилганда уларнинг ак-сарият қисми яроқлилик муддатини ўтаб бўлгани ва санитария талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бундан ташқари, топилган дори воси-таларидан бири “SYN-Rx DM” деб номланиб, унинг таркибиди психотроп воситаларини тофасига кирув-чи псевдоэфедрин ва гуайфенезин қимёвий мод-далари мавжудлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юза-сида АҚШ фуқароси, 65 ёшли Райс Джанг Джин ҳамда Ўзбекистон фуқаролари — черков пастори, 32 ёшли Феликс Ли ва ТЕЖХ директори, 65 ёшли Ир Қимларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддасига асосан жи-ноий иш қўзғатилди.

Уддаболтон америкалик меҳмонимиз ўз вақти-да Ўзбекистонни тарқ этишга муваффақ бўлди. Ҳозир унга нисбатан қидирув эълон қилинган бўлиб, мамлакат Ташқи ишлар вазирлигига бу ҳақда хабар берилган. Дарвоқе, 2007 йил 17 сен-тебрда Россиянинг “Интерфакс” ахборот агентли-ги томонидан Қозғоғистоннинг Қарағанда вилоят-лида “Грейс” (инглизчадан таржимада бу сўз ҳам “Худонинг марҳамати” деган маънони англатади) қозоқ черкови биносидан худди шунга ўхшаш пси-хотроп моддалар топилганлиги тўғрисида хабар тарқатилганди. Бугунги кунда Қарағанда вилоят-ли прокуратураси томонидан мамлакат ёшларининг онгини захарлашга уриниб келган сохта мисси-онерларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Мана шунча гаплар: сохта рўхонийлар доллар ёки сўз воситасида ўз сафларига содда фуқаролар-ни жалб этишга қийналиб қолганлариди кучли пси-хотроп воситаларни ишга солганлар. “Благодать”-чиларга эргашган фуқаролардан бири Сергей Кобе-левнинг таъкидлашича, у 1998 йилда протестант динини қабул қилган. Шу давр ичиди черков томо-нидан ўтказилган диний маросимларга Жанубий Ко-рея, АҚШ ва Қозғоғистондан миссионерлар ташриф буюриб, катта-катта молиявий бадаллар берганлар. Жумладан, Жанубий Корея фуқаролари Ким Гван Шин, Хан Ги Хонг, Джиэоқ Еуй Юй мурасимларни ташкил этиш ва хоржилик меҳмонларни қутиб олиш билан шуғулланишган. Исм-шарифлари юқорида тилга олинган Феликс Ли ва Ир Қимлар чет эл-да жойлашган “Благодать” инжил коллежда тахсил

олишган. Бизингча, ҳар иккисининг кучли псиχο-троп воситалар билан қўлга олинишига қараганда, уларни насронийлик таълимотини тарғибот қилиш-гагина унутқилмаган кўринад.

Шу қўнларда бугун Россия аҳолиси охириза-мон бўлишини қутиб ертўлаларга қочиб олган ва норисада ёш болаларни ҳам оқиб азобига ги-рифтор этган бир гуруҳ россиялик сектантларга диққат-эътиборини қаратган. Шу муносабат бил-ан “Фарзандларимиз учун ўзимиз курашмоғи-миз керак”, деганда “Аргументы и факты” газете-си бош муҳаррири Николай Зятков юз бора ҳақ эди. Буни қарангки, “Благодать”нинг Тошкентда-ги ваколатхонасида ҳам сохта рўхоний Н.Братче-ва томонидан турли миллатта мансуб бўлган 70 нафар болалар иштирокчида тақийланган маро-симлар ўтказиб келинган.

Юқорида келтирилган рақамлар ва даҳшатли тафсилотларга жиддийроқ эътибор беринг: мессиа-тифик ва миссионерлик бағоси қардлариди олдиси эмас, балки шундоқ ёнғинамизда туриб, океан ор-тидан келаётган долларлар билан қиздирилган пан-жасоний фарзандларимиз томонга чўмақда экан. Аллахдон бу панжараларнинг пайини қирқиб, икмон-этиқодимизга хавф солаётган ғаламисларга кес-кин зарба бериб, аслида қўнлида Худого заррча ҳам эътиқод бўлмаган бу миссионерларга ва улар-нинг ҳаромтомоқ гунаҳларига ҳам қилинмишига яраша жазо бериш пайти елди. Токи бундан кейин амалдорларда пора эвазига кинотеатрлар ёки бошқа маданият ўқонларини фарзандларимиз қалбига иш-қосувчи кимсаларга бериб қийиш хоҳиши буткул йўқолинди. Токи бундай кимсалар дўзах азобини ҳис этсинлар. Бюқий дунёга риқлат қил

Маданият, санъат, спорт фидойилари шарафига

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод қалби ва онкида эзгу ғояларни шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, фидойилик руҳида тарбиялашнинг муҳим шартли сифатида маданият, санъат ҳамда спорт ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.


2007 йили самарали фаолият кўрсатган маданият, санъат ва спорт намояндаларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди

кўплаб кўрик-танлов ва фестиваллар бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ёшлар йили деб эълон қилинган 2008 йилда бундай тадбирлар кўлами янада кенгайтиши қувонарлидир. Спорт соҳасида ҳам 2007 йил юртимиз вакиллари учун жуда сермаҳсул бўлди. Пойтахтимизда юсак савияда ўтказилган "Универсиада-2007" талаба-ёшларнинг спорт мусобақалари оловқалб, сергайрат йигит-қизлар учун чинакам гўзаллик ва маҳорат байрамига айланди. Айни пайтда бир қатор ҳамюртларимиз Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шайини муносиб ҳимоя қилдилар. Бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоевнинг муваффақияти, футбол бўйича Ўзбекистон ноғирон-ампутантлар терма жамоасининг жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлгани бунинг далилидир.

Ўтган йил яқунларига кўра Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик катта театри "Йилнинг энг фаол театри", "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси "Ўзбекистон ёш истеъоддорларининг кашфиётчиси" номинацияси бўйича ғолиб топилди. Футбол бўйича Ўзбекистон "Байналмилал" ноғиронлар жамоаси "Йилнинг энг кучли спорт жамоаси", "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилиги болалар жамғармаси "Ёш спортчиларни қўллаб-қувватловчи энг фидойи жамғарма", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси "Йилнинг энг яхши маданият ва санъат тарғиботчиси" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Тантанали маросимда ғолибларга ўттизга яқин номинация бўйича диплом ва эсдаллик совғалари топширилди. Тадбир санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидоги катта мусликий дастур билан яқунланди.

Назокат УСМОНОВА, Зоҳир ТОШҲУҲБАЕВ, ҲаА мухбирлари.



Зухра РАЖАБОВА олган сурат.

«ҚИШ СОНАТАСИ...»

Инсон ва унинг табиати ҳақида

Эзгулик қилишдан чўчидиганларни ахлоқий гўзал одамлар тоифасига қўшиб бўлмайди. Ҳамама яхши нарсаларни яхши деб билган, бойлик ва амал ҳам буза олмайдиган одамлар энг олижаноб инсонлардир.

АРАСТУ

Инсон томонидан содир этилган ёвузлик унинг табиий сифатларига боғлиқ эмас.

Мэн-Цзи

Мукаммал маънавий сифатлар эгаси ҳеч нарсага эга бўлмайди. Бундай улуг инсон хатто ўзидан ҳам маҳрум.

Чжуан-Цзи

Адабиёт ҳар бир инсонга хос сифат. Аммо адашганларнинг қайсарлик билан ўз йўлида давом этвериши — ақлсизлик.

ЦИЦЕРОН

Инсон табиати аслида олий фазилатлар мажмуасидир. Унинг табиати ўз ибтидоида заррача ёвузликдан ҳам холи бўлган.

Ван-ШОУЖЕН

Бу юртимизда кўплаб санъат қошоналари, маданият саройлари, мусика ва санъат йўналишидаги таълим масканларининг барпо этилишида, уларда фарзандларимизнинг иқтидори тўлиқ намоён бўлиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш берилганда уларнинг ёрқин ифодасини топмоқда. Ана шундай ғамхўрлик натижасида ёш истеъодларимиз жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида катта ютуқларга эришмоқда.



СУРАТЛАРДА: «Саҳнамиз фариштаси» деб тан олинган Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова (чапдан биринчи), «Йилнинг энг яхши спорт мураббийси» Александр Ким ва «Йилнинг энг самарали спорт мухбири» Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Спорт» телеканали ходими Нилуфар Сотволдиева.

дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши бу йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Ўтган 2007 йил мамлакатимиз санъати ва маданияти ҳаёти унутилмас тадбирларга бой бўлди. Жаҳоннинг энг кўна ва батақорор шаҳарларидан бўлмиш Самарқанднинг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонланди. «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали, ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан халқаро миқёсда ўтказилган кўплаб тадбирлар шулар жумласидандир.

Айни пайтда мамлакатимизда ёш истеъоддорларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган



Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Эти сиз одамлар, эссиз одамлар

ТОШ ЗАРБИДАН ЗАВОЛ ТОПГАН ТАҚДИРЛАР

...Аёл кишининг мудҳиш жинояти ҳақида эшитганлар ҳайратдан ёқа ушладилар, айбдорни қоралаб, лаянат ўқидилар. Бироқ жиноятчини қоралаш билангина чекланмай воқеанинг келиб чиқиш сабаблари ҳусусида андак мулоҳаза юритсак, жиноят ўз-ўзидан содир бўлмаганига амин бўламиз.

Уша кун Сайёра эрининг ҳаяллан қолганидан ҳавотирга тушиб, ярим тунгача тиқ этган товушга илҳақ бўлиб ўтирди. Ун йилдириқ, аҳвол шу: Отабек кунда, кунора бўккунича ичиб, уйига аранг етиб келади. Арзиманган нарсадан жанжал чиқариб, хотинини, болаларини калтаклайди. Тонггача давом этадиган бақир-чақирлардан кўшиллар ҳам безор бўлишган. Сайёра қўлида бирон хунари ёки тайинли иши бўлмаган ароққўр эрдан ажрашай деса, болаларини уйлаб, тақдирга тан беради. Ахир уч боласи билан кимникига сиғади?

Кунларнинг бирида ишлагани кетдим, деб уйдан чиққан Отабек кун бўйи ишлаб топган пулига бўккунича ичди. Март ойининг салқин ҳавоси этни жунжиктирар, вақт эса алламаҳал бўлган эди. Шу пайтгача хотинининг ухламай, эшик пойлаб ўтиргани унга ёқмади. Кира солиб бесабаб тўққиз яшар ўғли Хуршидни роса дўппослади. Сайёра боласининг азобланишини кўриб чидаб тура олмади. Ҳаттичун хўрланган етмаганда, энди болалари ҳам бу пиёистанинган зулмидан озор чекадим?! Уларнинг гуноҳи нима? У ўғлини ажратиб олишга уринар экан, алам ва изтиробдан юз-кўзига кетма-кет тушаётган муштар зарбини ҳам сезмасди. Отабек ҳолдан тойгач, гандираклаганча ҳовли четидоги қурилиш битмаган омонхонага кириб кетди.

Бундай ҳаётнинг дўзахдан нима фарқи бор? Зўғум ва ҳақоратлар қачонгача давом этади?! Сайёранин кўнглидан шундай ўйлар ўтар экан, аччиқ кўз ёшлари юзларини юварди. У анча пайтгача ухловмай тўлғониб ётди. Ҳаттичун туриб, омон томон юрди, ичкарига кўра-писа мўралади: Отабек чангга беланганча донг қотиб ухлаб ётарди. Шу тўрида у аёлнинг кўзига жирканч махлуқ бўлиб кўринди. Азбаройи нафратланиб кетган аёл қўлига қандай қилиб тош олгани-ю, эрининг бошига зарб билан туширганини билмай қолди. Сайёра мастлик ва қаттиқ зарбдан ўзини ўнгловмай қараётган эрининг дуч келган жойига тош билан ура кетди... Шу тобда у ўзига етказилган ҳўрлик ва ситамлар учун уч олаётгандай эди гўё.

Эрининг бошидан шариллаб оқаётган қон аёли бир зум сергақланганди. Кўзларини катта-катта очиб, қилиб қўйган ишдан дахшатга тушди. Аммо кеч бўлган, Отабек жон таслим қилган эди. Сайёра бир муддат қаловланиб ўтирди, кейин жиноятини яшириш мақсадида омонхона ичидан чуқур қовлаб, мурдани судраб туширди-ю, устидан тупроқ тортиди...

Тонг ёришди. Сайёра қайнонасиникига боришга қарор қилди. Қайнона келинининг ташвиши ва ҳоржин юзига қараб ҳавотир аралаш ҳол-аҳвол сўради:

- Яхши юрибсизларми, келин? Отабек яхшими, невараларим чопқиллабгина юришибдими? Сизга нима бўлди, болам, хафа кўринасиз?
- Йў-ей, ҳаммаси жойида.
- Ха, нега жимсиз, ён уришдиларингми?
- А-а, йўқ, йўқ. Ҳаттичун шундай, ўғлингиз Тошкентга ишлашга кетдилар. Шуни айтмай, деб келувам.
- Шундай денг. Ха, майли, сиз сикилманг, болам, тирикчилик-да. Пул ишлаб келиб рўзгоринми бутлай,

деган болам бечора. Каерда бўлсам боши омон бўлсин. Қайнонасиникидан Сайёранин кўнгли баттар гаш бўлиб қайтди. Муштибар кампирнинг насихатларидан сўнг пушаймонлиги ўн ҳисса ортди. Аммо булар иш бўлган, гишт қолипдан кўчган эди. Энди бундан кейин қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида ўйлаш лозим.

Кунлар ўтгани сайин Сайёранин бадшоши тугаб борарди. Қандай бўлмасин эрининг ўлимини яқинларига билдириш керак. Уйлай-уйлай бунинг йўлини топгандек бўлди. Номаълум шахслар номидан ўзи ва қайин оғасига Отабек киморда ютказиб қўйганиги учун уни ўлдириб, ҳовлисидаги омонхонага қўйиб кетилганини баён қилиб хат ёзди. У ёзувини таниб қолмасликлари ва ишонарли бўлиши учун хатни чап қўлида қайта-қайта ёзди, кейин икки нусха кўчириб, бирини сездирмай қайин оғасиникига ташлаб келди. Ҳадеганда қариндошлардан дарак бўлавермагач, ўзи уларникига борди. Салом-алиқдан сўнг кўзларига ёш олиб, қандайдир никобли кишилар ва уларнинг қилмиши ҳақида ўзи тўқиб-бичган ҳикояни айтиб берди. Гап орасида хат ҳақида тўхталиб ўтишни ҳам унутмади. Овсинига хатни топишга ёрдамлашган бўлди. Ака хатни ўқигач, уқасининг уйи томон чопди. Сайёра овсини билан унинг ортидан жўнади. Тўғри омонхонага бориб дўнгликини қовлай бошлаган ака бироздан сўнг ҳаммаёқни тутиб кетган бадбўй хиддан ўқиб юборди. Шундагина уқасининг ўлдирилгани растлигини, бу ерда жиноят борлигини гумон қилиб зудлик билан маҳалла оқсоқоли ва милицияга хабар берди. Ҳовли бир зумда тумонат одамга тўлди.

Қотиллик юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида Сайёра томонидан берилган кўрсатмаларнинг бир-бирига зидлиги, хатти-харакатларининг беҳолиги ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Қайта-қайта ўтказилган сўроқлар давомида у қилмишига иқроор бўлди.

Сайёра қаттиқ пушаймонлигини, ўзини ҳимоя қилиш, ҳажл ва алам устида шундай жиноятга қўл урганани айтиди. Бироқ энди пушаймондан ҳам, тавба-тазарудан ҳам фойда йўқ. Чунки қонун бўйича ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон ҳаётига тажовуз қилиш жиноят саналади. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судида Сайёра Юсупованинг иши кўриб чиқилиб, қилмишига яраша жазо тайинланди. У умрининг 11 йилини панжара ортида ўтказадиган бўлди...

Биламизки, аёл — она, аёл — гўзаллик тимсоли, аёл — яратувчи. У шундай сифатлар эгаси бўлгани учун ҳам улуғланади. Ҳар бир аёл ҳар қандай ҳолатда ҳам бунинг ёдда тутиши лозим. Аммо юқоридега келтирилган жиноятда барча айбни Сайёрага ағдариб қўйиб тўғриликман? Агар маҳалла-қўй, қариндош-уруғлар Отабекни тўғри йўлга солишганида, унинг бебошликларига беъэтибор қараш-маганида балки мудҳиш жиноят содир этилмаган, аёл умр йўлдошининг ўлимига, ўзи ва фарзандлари тақдирининг чигаллашиб кетишига сабаби бўлмаган бўлармиди?

Х. КАМОЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг бош мутахассиси.
Ф. КОСИМОВА, журналист.

Муъжизакор гунё

ХАРИДНИНГ ҚАЙ ТУРИ ҚУЛАЙ?

Интернет-савдолари кузатувчиларининг тахминларига кўра, 2018 йилга бориб Буюк Британия аҳолиси қиладиган харидларининг деярли ярмини интернет ёрдамида амалга оширишар экан.

Негаки, биргина ўтган йилда британияликлар шу йўл билан 53 миллиард фунт стерлинг баробаридаги нарсаси-буюмларни харид қилишган. Ушбу кўрсаткич 2006 йилдаги харидларга нисбатан 75 фоизга кўпайган. Яқиндагина нишонлаган Янги йил байрами арафасида эса совғалар харид қилиш ва байрам саёҳатлари учун чипта олиш мақсадида британияликлар интернет тармоғи орқали 17,5 миллиард фунт стерлинг маблаг сарфлаган. Ўтган йил давомида интернет воситасидаги харидларга сарфланган маблаглар умумлаштирилганда, Буюк Британия аҳолиси харидининг 17 фоизини ташкил этади. Демак, чамаси ўн йилдан кейин бу кўрсаткич деярли 50 фоизга етиши мумкин.



Лос-Анжелес шаҳри жамоат транспорти тизимида 76 йил давомида фаррош бўлиб ишлаган Артур Уинстон 101 ёшида пенсияга чиқди.

101 ЁШЛИ ФАРРОШ

Айтишлари-ча, у бутун фаолияти давомида фақат бир кунгина, яъни 1988 йилда — турмуш ўртоғи вафот этганда ишга чиқмаган, холос. 1996 йилда Уинстон АКШ президенти Билл Клинтон томонидан тақдирланиб, "Асрнинг энг яхши ходими" деган унвонга сазовор бўлган эди. Шу му-

носабат билан Лос-Анжелес транспорт бўлими томонидан шаҳардаги автобус парklarидан бирига Артур Уинстоннинг номи берилди. Уинстоннинг айтишича, у пенсияга чиқиш ҳақида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган экан. Ҳатто, пенсияга чиққан, у нима билан шуғулланишни ҳам билмайдди. Буни қарангки, бир асрни қаршилаган бўлишига қарамай, Уинстон уйда дам олиб ўтиришдан кўра, меҳнат қилишни, доимо ҳаракатда бўлишни афзал кўраркан.



Организация объявляет конкурсный опрос по объектам капремонта. Срок подачи предложений 10 дней со дня публикации объявления. Контактный телефон: 262-15-37.

Учтепа туманидаги ЧП "Боймуродов Срождин Журакулов"га 2007 йилда берилган 044028 рақамли жисбага олиш картаси (руқжат рақами 1002459) ва тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор жисобланди.

ООО "BARSAUDIT" (ОКОНХ 84400, код по ОКПО 18726849) Яккасарийского района г. Ташкентта мененг форму собственности на частную консалтинговую предприятие. В связи с этим уменьшаются уставной фонд от 6000000 на 400000 сум. Претензии принимаются в течении 1 месяца со дня публикации по тел: 272-33-66.

Эълонлар...

Учтепа туманидаги ЧП "Боймуродов Срождин Журакулов" номига берилган думалок муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор жисобланди.

Учтепа туманидаги ЧП "Боймуродов С.Ж."га Саудо департаменти томонидан 2007 йилда савдо фаолияти учун берилган ЖШ 017776 рақамли (руқсат рақами 1215/01) руқсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор жисобланди.

Учтепа туманидаги ЧП "Боймуродов Срождин Журакулов"га 17.10.2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан берилган гувоҳнома сертификати йўқолганлиги сабабли бекор жисобланди.

Тошкент шаҳри А.Икромов тумани кадастр тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 19.12.2002 йилда "Маҳаллий ширкат таъминотга бино ва ер учун берилган 3-165/2002 реестр рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор жисобланди.



МУЪЖИЗАКОР ГУНЁ

КҮЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда иш жойингизни ўзгартариш ҳақида жиддий ўйлаб кўришингизга тўғри келади. Бу борада яқинларингиз маслаҳатига эмас, қалбингизга қўлоқ солиб иш тутанингиз маъқул.

СИГИР (22.04-20.05)

Мааскур буржинг айрим вакиллари шу кунларда атрофдагиларнинг эътиборсизлигидан азият чекишди. Шу боис улар аввалги мақолатини тиклаш учун анча вақт ва куч сарфлашлари мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ҳафта давомида эгизак буржи остида турилганлар ўзларини бироз ҳоржин ҳис этишлари мумкин. Лекин бу ҳолат уларнинг ҳаммаслари ва оила аъзолари билан муносабатларига салбий таъсир кўрсатмайди.

ҚИСҚИЧАКА (22.06-22.07)

Шу кунларда саломатлигингиз ҳақида қайғура бошласиз. Муаммолар билан ўралашиб қолиб аввал бошлаган ишиингизни яқинга етказиш кераклигини унутиб қўймаг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Эҳтиёткорлик — мааскур бурж вакилларида хос бўлган хислатлардан бири. Шу сабабли улар ҳафта давомида юзага келиши мумкин бўлган кўнглисизликларни олдиндан бартараф эта оладилар.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)

Ушбу ҳафта паризод буржи остида таваллуд топанларнинг шахсий ҳаётида қувончли воқеалар юз бериши қўтиляпти. Бундай дамларни яқинларингиз билан баҳам қўришга интилинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шу кунларда иш фаолиятингизда айрим қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин. Сабр-тоқатли бўлинг, чунки аввалги ютуқларга ҳам осонликча эришмагансиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳафтанин биринчи ярмида шахсий муносабатларда эҳтиёткор бўлишга ҳарқат қилинг. Дам олиш кунлари озоқдаги қариндошларингиз ташриф буюриши мумкин.

ЎКОТАР (23.11-21.12)

Айни кунларда молиявий масалаларда ва халқоралиқ шартномаларни тузишда тавakkал қилмаганингиз маъқул. Сармоингизни келгусида йирик режаларни амалга ошириш учун асраг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)

Мааскур ҳафтада юзага келадиган вазиятлар туфайли сизда янаша тарзингизни ўзгартариш истаги пайдо бўлади. Ҳафтанин иккинчи ярмидан эса янги режаларингиз амалга оша бошлайди.

КОВҒА (20.01-18.02)

Шу кунларда арзиманган нарсасида бош қотириб, қайғингизни тушириб ўтирмаг. Ҳафта мобайнида янги лойиҳалар устида иш бошламаганингиз маъқул.

БАЛИК (19.02-20.03)

Балик буржи вакиллари учун ҳафта омадлик келади. Уларнинг узоқ пайдан бунён оғури қилиб келаватган ниятлари ижобат бўлади, ишдаги ютуқлари рақобатлар томонидан эътироф этилади.